2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 205 (1804), 2026 йил 3 октябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН — ДАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Дания Қироллиги ташқи ишлар вазири Ларс Лёкке Расмуссенни қабул қилди.



Ўзбекистон — Дания муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили Данияга Ўзбекистоннинг қароргоҳи Стокгольм шаҳрида бўлган илк элчиси тайинланди. Жорий йилда Дания Марказий Осиё бўйича махсус вакилини тайинлади.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб беш баробар ошди. Данияниng етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда тоғ-кон, кимё ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти ҳамда бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, Дания инвестициялари, илғор технологиялари ва ноу-хауларини энергетика, фармацевтика, транспорт ва логистика, агросаноат мажмуи ҳамда бошқа истиқболли йўналишларга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, маданият ва туризм соҳаларида алоқаларни ривожлантириш учун салмоқли салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида ҳамкорликни тизимли равишда кенгайтириш учун институционал ва шартномавий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

САМАРАЛИ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган шиддатли глобаллашув, ижтимоий-иқтисодий трансформациялар ва технологик инқилоблар ҳар бир давлатдан ўз бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилишни, қарор ва қонунлар қабул қилиш жараёнигагина эмас, балки уларнинг амалдаги ижросига алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Зеро, ҳар қандай демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятининг самарадорлиги ва халқнинг давлатга ишончи бевосита ижро интизомининг қай даражада йўлга қўйилгани билан белгиланади. Чунки энг мукаммал қонунлар, энг илғор стратегиялар ва халқчил дастурлар ҳам, агар уларнинг ижроси ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ таъминланмаса, шунчаки қоғозда қолиб кетувчи декларатив ҳужжат бўлиб қолади, холос.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига киришган, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор мақсадларни ўз олдига қўйган бир даврда ижро интизомини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислоҳотларнинг натижадорлиги, фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги жойлардаги ижро аппаратининг масъулияти, фидойилиги ва интизомига боғлиқдир.

Ижро интизоми нафақат ҳуқуқий мажбурият ёки маъмурий тартиб-қоидалар йиғиндиси, балки давлат органлари, мансабдор шахслар ва ҳар бир хизматчининг қабул қилинган қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар, топшириқ ва дастурларни белгиланган муддатларда, сифатли ва мақсадли амалга ошириш масъулиятидир. Кенгроқ маънода айтсак, ижро интизоми давлат механизми узлуксиз, уйғун ва самарали ишлашини таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучдир. Агар давлатни улкан ва мураккаб бир соат механизмига ўхшатсак, ижро интизоми ушбу механизмнинг ҳар бир тишли ғилдирагини бир-бирига боғлаб, соатнинг тўғри ва аниқ ишлашини таъминловчи қувват ҳисобланади.

Ижро интизомининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, у давлат билан халқ ўртасидаги ўзаро ишонч кўпригини мустаҳкамлайди. Ҳар қандай ислоҳот ёки қонун ҳужжати пировардида оддий инсонларнинг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Давоми 2-бетда

“ТЕЗРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ, ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА КИРИШГА ШОШИЛИНГ”

ЁХУД СОБИҚ ЭЛЧИНИНГ ФИКРИ ЎЗГАРИШИГА НИМА САБАБ БЎЛДИ?



Бой тарих, маданият, иқтисодий салоҳият ва улкан имкониятлар юрти


Дунё мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик, очиқ мулоқот ва ўзаро тажриба алмашинуви тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган бугунги глобаллашув ва жадал тараққиёт даврида янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига очилиши, хорижий давлатлар билан дўстона ва манфаатли муносабатларнинг кенгайиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Республика Маънавият ва маърифат марказининг бир гуруҳ ходимлари Японияда бўлиб қайтди. Бир неча кун мобайнида дунё Ўзбекистоннинг бой тарихи, бетакрор маданияти, иқтисодий салоҳияти ва улкан имкониятларига тобора кўп қизиқиш билдираётганига яна бир карра амин бўлдик. Сафар давомида Токио, Нагоя ва Хиросима шаҳарларида ўнлаб учрашув, тақдимот ва давра суҳбатлари ўтказилди. Хусусан, Япония Миллий парламент кутубхонаси, қатор нуфузли университетларга ташриф, расмий қабуллар, ватандошларимиз билан самимий мулоқотлар дастурдан ўрин олган эди.

Давоми 5-бетда

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР





НОТИНЧ ДУНЁДАГИ ТИНЧ, БАРҚАРОР МАМЛАКАТ

Сентябрь сарҳисоби

Сентябрь одатдагидек Ўзбекистон сиёсий ҳаётида жўшқин жараёнларга бой бўлди. Сокин кузнинг илк ойини мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида бир нуқтада туташадиган турли жабҳаларни бир вақтнинг ўзида ҳаракатга келтирган паллага қиёслаш мумкин: Тошкентда — йиғилишлар, қарорлар ва янги вазифалар. Ҳудудларда — янги лойиҳалар, корхоналар, иш ўринлари каби улкан марралар. Хорижда — стратегик ҳамкорлик ва инвестициялар бўйича музокаралар. Тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон жамиятда эса ушбу ҳар бир янгилик ҳамда ўзгаришларнинг одамлар ҳаётида акс эттириш мақсади билан яшаётган фидойи инсонлар фаолияти...









Ташқи сиёсатда фаол дипломатик кун тартиби

Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга очилишда давом этмоқда. Бу гап замирида нафақат мамлакатимизнинг ташқи дунё билан алоқалари кенгайиши, балки халқлар ўртасидаги ўзаро англашув, ишонч ва ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши, юртимизда тинчлик мустаҳкамланиб, турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани каби рад этиб бўлмас ҳақиқатлар мужассам. Бугун Ўзбекистон ва унинг мардонавор халқи тарихий қадриятларини асраб-авайлаган ҳолда замонавий тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда ва дунёга янги қиёфасини намоён этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг йил ўн икки ой тиғиз кун тартиби билан ўтаётган фаолияти сентябрь ойида ҳам кенг кўлами ва қамрови билан юқоридаги фикримизни баралла айта олишга изн беради.

Ойнинг илк кунида Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг юбилей йиғилишида иштирок этди. Бишкек шаҳри мезбонлигида ўтган тадбир кун тартибига мувофиқ, ташкилотнинг 25 йиллик фаолияти давомида эришилган ютуқлар, барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтириш ва биргаликдаги тараққиётни давом эттириш борасидаги истиқболли вазифалар муҳокама қилинди. Энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан очиқ фикр алмашилди.

Президентимиз ташкилот чорак аср давомида ўзининг зарурлиги ва самарадорлигини намоён этгани, “Шанхай руҳи” тамойилларига амал қилган ҳолда тенг ҳуқуқли мулоқотни таъминлагани, минтақавий барқарорлик ва мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига кўмаклашганини қайд этди. Ўз нутқида ташкилот олдида турган энг долзарб вазифаларга тўхталди.

Иқтибос: “Ишончим комилки, ШҲТ мамлакатларининг улкан инсоний, табиий, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурслари, энг аввало, халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши лозим. Шу боис, “ШҲТ — 2040: умумий тараққиёт макони” концептуал қарашини ишлаб чиқишга киришишни таклиф этаман.

Унинг асосий мақсади инвестициялар, технологиялар ва билимлар эркин алмашиниладиган, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга ошириладиган, минтақалар, бизнес ва одамлар ўртасидаги тўғридан тўғри алоқалар кенгайиб борадиган ўзаро боғлиқ ва барқарор маконни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим”.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “ШҲТ плюс” форматидаги учрашувда нутқ сўзлади. Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар шароитида БМТ ва минтақавий тузилмалар ролига тўхталиб, қатор таклифларни илгари сурди, Ўзбекистон Евроосиё маконида очиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини уқтирди.

Иқтибос: “Биз учун ўзаро боғлиқлик стратегик мустақиллик ва барқарорлик масаласидир. Биз шундай кўп қутблилик тарафдоримизки, у янги ажратувчи чизиқларни яратмайди, балки имкониятлар маконини кенгайтиради, минтақавий лойиҳа ва ташаббуслар ўзаро рақобатлашмайди, балки бир-бирини самарали тўлдиради”.

Президентимиз саммит доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси, Россия Президенти ва Покистон Бош вазири билан музокаралар, шунингдек, БМТ Бош котиби ва АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили билан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги фаоллик 7-8 сентябрь кунлари Европа минтақасига кўчди. Мамлакатимиз етакчиси Сербия Республикаси Президенти таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Белград шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда икки мамлакат расмийлари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди.

Давоми 3-бетда

2026 йил 3 октябрь, 205-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

САМАРАЛИ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бошланиши 1-бетда

Агар жойларда ҳужжатлар ижроси пайсалга солинса, расмиятчилик ёки ҳисоботбозликка йўл қўйилса, фуқароларда давлат сиёсатига ва адолатга ишонч сўнади. Аксинча, қабул қилинган қарорларнинг ҳаётда ўз аксини топиши, муаммолар ўз вақтида ҳал этилиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайди, фуқароларнинг Ватан тақдири, жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнларига дахлдорлик туйғусини ва фаоллигини оширади. Шунинг учун ҳам ижро интизоми шунчаки маъмурий тушунча эмас, балки мамлакат барқарорлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим ижтимоий-сиёсий омилдир.

Замонавий менежмент ва давлат бошқаруви назариясида самарадорлик тушунчаси ресурслар, яъни вақт, маблағ, инсон капиталидан оқилона фойдаланган ҳолда энг юқори натижага эришишни англатади. Бу жараёнда ижро интизоми бошқарув сифати ва самарадорлигини белгиловчи энг асосий мезон. Юқори ижро интизоми мавжуд тизимда бир неча муҳим афзалликлар бўлади:

— вақт ресурсидан унумли фойдаланиш. Белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши иш суръатини оширади, ортиқча бюрократик жараёнлар ва такрорий мажлисларга чек қўяди;

— моддий ва молиявий ресурслар тежамкорлиги. Дастур ва лойиҳаларнинг кечиктирилиши кўпинча инфляция ёки қўшимча харажатлар сабабли лойиҳа қийматини ошишига олиб келади. Ижро интизоми эса бундай ҳолатларнинг олдини олишга замин яратади;

— стратегик режалаштиришнинг аниқлиги. Қуйи бўғинларда топшириқлар аниқ бажарилганда, юқори бошқарув органлари келгуси стратегик қадамларни тўғри ва реал маълумотларга таяниб режалаштира олади.

Давлат бошқарувида раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва намунаси ижро интизомини шакллантиришда марказий ўрин тутади. Раҳбар ўз хатти-ҳаракатлари, иш услуби ва масъулияти билан жамоага намуна бўлиши лозим. Зеро, бошқарувда интизом юқоридан пастга қараб шаклланади. Раҳбар ўзига ва қўл остида ишловчиларга нисбатан талабчан бўлган, топшириқлар ижросини тизимли назорат қила олган жойдагина кўзланган натижаларга эришилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистонда, айниқса, кейинги ўн йилликда ижро интизомини кучайтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий базаси яратилди. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги фаолияти қатор қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа тегишли ҳужжатлар тизимда янги даврни бошлаб берди.



Улуғбек МУСТАФОЕВ,
Жиззах вилояти ҳокими

Ушбу ҳужжатлар орқали ижро интизомини назорат қилишнинг мутлақо янги механизми жорий этилди. Унга кўра, ҳар бир топшириқ ва қонун ҳужжати бўйича масъул ижрочилар, бажариш муддатлари ва кутилаётган аниқ натижалар (КПИ) белгилаб берилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда ижро интизомини анъанавий, яъни қоғоз кўринишида назорат қилиш ўз аҳамиятини йўқотди. Шу сабабли давлат бошқарувида рақамли технологияларни жорий этиш орқали инсон омилини камайтириш, шаффофлик ва тезкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини назорат қилишнинг ягона электрон тизими — “Ijro.gov.uz” тизими йўлга қўйилди.

Мазкур ахборот тизими қонун ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро жараёнини онлайн режимда кузатиш, муддатларни автоматик равишда назорат қилиш ва ҳисоботларни шакллантириш каби қулай имконлар яратди. Тизимнинг амалиётга жорий этилиши туфайли қуйидаги ижобий натижаларга эришилди:

— шаффофлик таъминланди. Ҳужжат устида ким, қачон ва қандай ишлаётганини юқори турувчи органлар реал вақт режимида кўриб туради, бу эса яширин пайсалга солиш ҳолатларига барҳам беради;



“Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда ижро интизомини анъанавий, яъни қоғоз кўринишида назорат қилиш ўз аҳамиятини йўқотди. Шу сабабли давлат бошқарувида рақамли технологияларни жорий этиш орқали инсон омилини камайтириш, шаффофлик ва тезкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини назорат қилишнинг ягона электрон тизими — “Ijro.gov.uz” тизими йўлга қўйилди.

— муддатлар назорати қатъийлашди. Топшириқ муддати яқинлашганда тизим ижрочини автоматик равишда огоҳлантиради ва муддат бузилган тақдирда тизимда қизил чироқ ёниб, бу ҳақда назорат қилувчи органларга хабар боради;

— қоғозбозлик камайди. Ҳужжат айланиши электрон шаклга ўтказилиши ҳисобига вақт ва моддий ресурслар сезиларли даражада тежала бошлади.

Рақамлаштириш жараёнлари фақатгина маъмурий назоратни осонлаштириб қолмай, давлат хизматчиларининг иш самарадорлигини холис баҳолаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. Эндиликда ходим ёки раҳбарнинг фаолиятига субъектив қарашлар асосида эмас, балки электрон тизимдаги реал ижро кўрсаткичларига қараб баҳо берилмоқда.

Ҳар бир раҳбар ва ижрочи ўз фаолиятида “Вақт — олтин, халқ манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойилини шиор қилиб олгандагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун ижро интизоми шунчаки маъмурий талаб эмас, балки жамиятда юқори масъулият ижроси қатъий назорат қилинса, бунинг ортидан, албатта, ижобий натижа — инсонларнинг розилиги юзага чиқади.

Ижро интизоми кучайиши бугун фақатгина рақамлар ёки ҳисоботлардаги қуруқ статистик кўрсаткич эмас. Бу олис қишлоқдаги хонадонга кириб бораётган ичимлик сув, янгидан қад кўтарган мактаб биноси, ёшларнинг бандлигини таъминлаётган янги корхона ва энг асосийси, фуқароларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланишидир.

Жиззах вилоятида ҳам ижро интизомининг самарали йўлга қўйилиши натижасида ижтимоий соҳа йўналишида 163 та, жумладан, 73 та мактаб ва 22 та боғча, 27 та тиббиёт, 4 та олий таълим, 35 та спорт ва 2 та маданият объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 3,1 мингдан ортиқ ўқув ўрни янгидан яратилди ва 4 мингга яқин мавжуд ўқув ўрни таъмирдан чиқарилди.

Ҳудудларда узоқ йиллардан буён ечимини кутиб келган йўл билан боғлиқ қарорларга нисбатан масъулияти ва ижро интизомига қатъий амал қилаётганининг амалий натижаси ҳисобланади.

Жорий йил давомида вилоятда йўл инфратузилмасини яхшилаш учун умумфойдаланишдаги 86 километр ва ички 308 километр йўл асфальтланиб, 118 километр тупроқ йўл шағаллаштирилди. Автомобиль йўлларидаги 5 та кўприк таъмирланди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пиёдалар ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳудудида яна 3 та янги ер ости пиёдалар йўлаги қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айдар-Арнасой кўллар тизимига олиб борувчи 93 километр автомобиль йўллари таъмирланиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайликлар яратилди.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва замонавий оқова сув тизимларини барпо этиш борасидаги ишларни асло кечиктириб, пайсалга солиб бўлмайди. Зеро, у юртдошларимиз фаровонлигини таъминлашдаги асосий заруратлардан бири. Айни йўналишдаги топшириқларнинг ижроси шунчаки инфратузилма лойиҳаси эмас, балки инсон қадрини улуғлашга қаратилган давлат сиёсатининг муқаррар ижро механизмидир.

Ўтган 6 ой давомида ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш мақсадида 273 километр ичимлик ва 175 километр оқова сув тармоғи тортилди ҳамда 6 та ичимлик сув иншооти фойдаланишга топширилди.

Инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ишга туширилиши ва экспорт географияси кенгайтирилиши шунчаки иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки ҳар бир бошқарув бўғинидаги ижро интизомининг қай даражада қатъий ва самарали эканини кўрсатувчи асосий мезондир. Ҳудудларда янги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тўғридан тўғри хорижий сармояларни ўзлаштириш борасидаги топшириқлар ижроси иқтисодий тараққиёт пойдеворининг мустаҳкамлигини белгилайди.

Инвестиция ва экспорт бўйича ҳам катта режаларни белгилаб олганмиз. Сўнгги 7 йилда жами 4,8 миллиард доллар инвестиция жалб этилган бўлса, яратиб берилган





муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши шунчаки инфратузилма лойиҳаси эмас, балки жойлардаги раҳбарларнинг қабул қилинган шароитлар натижасида жорий йилнинг ўзида 2,7 миллиард доллар ўзлаштирилишини мақсад қилганмиз.

Вилоятимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Ўтган давр мобайнида 234,1 минг аҳоли даромадли меҳнат билан таъминланди. Шундан 25,4 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди, 34,4 минг нафарининг меҳнат фаолияти легаллаштирилди, 175 минг нафарининг даромади оширилди. Энг муҳими, бу рақамлар ортида янги иш ўринлари, аҳоли даромадлари ортиши, тадбиркорлик учун янги имкониятлар ва юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг устувор вазифаларимиздан биридир. Бунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр секторга инновация ва рақамлаштиришни кенг жорий этиш муҳим роль ўйнайди.

Шу мақсадда бу йил ғалла ҳосили ўримйиғимида қатнашган жами 367 та дон ўриш комбайнига “ЖПС” технологиялари ва кузатув камералари ўрнатилиб, мониторинг маркази орқали кузатиш тизими ишга туширилди. Натижада кунлик иш унумдорлиги ошиб, 15 кунда ғаллани ўриб олишга эришилди. Бошқача айтганда, 84 минг тонна ёки 269 миллиард сўмлик ҳосил қисқа фурсатда, асосийси, йўқотилишга йўл қўйилмасдан йиғиб олинди.

Пиллачилик йўналишида “Жиззах тажрибаси” асосида 10 та тумандаги кўп қаватли уйлар атрофида замонавий, марказлашган 70 та пиллахона барпо этилди ҳамда 40 мингдан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, даромад олишига кўмаклашилди.

Сайёҳлар учун зарур инфратузилма яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси тармоқнинг иқтисодий ўсиш драйверига айланишини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилаётган қарорлари ва яратиб бераётган имкониятлари натижасида ушбу соҳа вилоятимиз иқтисодиётининг ҳам драйвери, ҳам ташриф қоғозига айланди.

Масалан, Айдар-Арнасой кўллари бўйида йиллик 400-500 минг маҳаллий ва хорижий сайёҳни қабул қилиш салоҳиятига эга бўлган, умумий қиймати 338 миллиард сўмлик йирик туризм мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 27-28 июнь кунлари мазкур туризм мажмуасида юқори савияда ўтказилган “Jizzakh Open Air” халқаро туризм фестивалига 45 минг маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташрифи кузатилди.

Яна бир муҳим воқеа — ушбу кўл бўйига ташриф буюрувчи аҳоли ва сайёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида темир йўл тортиш, вокзал барпо этиш ҳамда аэропорт қуриш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Яна бир йирик лойиҳа — Шароф Рашидов туманида 131 гектар тоғ адирликларида қиймати 50 миллион доллар бўлган кўп тармоқли экотуризм мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳалар ва сайёҳлар учун яратилаётган имкониятлар натижасида вилоятимизга 364 минг хорижий ва 1,4 миллион маҳаллий сайёҳ ташрифи кузатилиб, туризм хизматлари экспорти 53 миллион долларга етказилди.

Ижро интизоми тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч, давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўпригидир. Ҳудудларда ҳар бир қарорнинг амалда ўз ифодасини топиши, шубҳасиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга, юртимизнинг янада қудратли ва равнақ топган давлатга айланишига хизмат қилаверади.

Самарали ижро интизоми шунчаки маъмурий бошқарув механизми эмас, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш ва халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашнинг энг бирламчи кафолатидир. Зеро, самарали ижро интизоми тараққиётнинг энг ишончли ва мустаҳкам пойдеворидир.

Муносабат

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

Сўнгги ўн йилда ўқитувчилик касби нуфузини юксалтириш, педагогларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар қилинди. Энг аввало, улар ёш авлодга билим ва тарбия беришга тўлиқ бағишланиши учун мажбурий меҳнат, ортиқча қоғозбозлик ҳамда касбий фаолиятига алоқадор бўлмаган юмушлардан халос этилди.



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Устоз ва мураббийларга имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилиши, олис ва чекка ҳудудларга бориб фаолият юритаётган юқори малакали педагоглар учун қўшимча устамалар белгиланиши, фидойи ўқитувчиларнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирланаётгани янги Ўзбекистонда таълим соҳасига, айниқса, устоз ва мураббийлар меҳнатига бўлган эътибор ва муносабат тубдан ўзгарганининг ёрқин ифодасидир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилгани давлат томонидан илм-фан, маърифат ва таълим соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганининг яққол тасдиғидир. Бу эса устоз ва мураббийларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шаъни, қадр-қиммати ва касбий нуфузини янада мустаҳкам ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

2024 йил 1 февралда қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун устоз ва мураббийларнинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлади. “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун эса том маънода жамиятда муаллимлар қадр-қимматини юксалтирди.

Бугунги кунда ушбу ҳужжат педагогларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида “Янги Ўзбекистон” университетида устоз ва мураббийлар билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан педагогларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва янги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Айтиш жоизки, тарихимиздаги буюк сиймолар камолоти ортида уларга илм ва тарбия берган, ҳаёт йўлини кўрсатган устозларнинг беқиёс меҳнати мужассам. Учрашувда Имом Бухорий, Беруний, Амир Темур ва Алишер Навоий каби сиймоларни етиштирган устозлар “одамийлик боғининг боғбонлари” сифатида эътироф этилди. Бу эса устоз шахсининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада юксак баҳолаш, ёш авлод тарбиясида муаллим меҳнатининг аҳамиятини англаш ва педагог касбига ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, таълимнинг барча бўғинларида фаолият юритаётган илғор ва фидойи педагогларни муносиб рағбатлантириш мақсадида жадид бобомиз Абдулла Авлоний номидаги алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш ташаббуси минглаб устозлар қалбидаги эзгу орзу ва интилишларга ҳамоҳанг бўлди.

Фундаментал фанлар ўқитувчилари учун рағбатнинг янги тизими жорий этилиши, миллий сертификатга эга педагогларга 50 фоиз устама тўланиши, ҳар йили 208 та туман ва шаҳарнинг лидер ўқитувчиларига 30 миллион сўмдан мукофот берилиши, яна минг ўқитувчи хорижда стажировка ўташи педагогларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, илғор тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этиш, сифатли таълим орқали келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга туртки беради.



Камида 15 йиллик стажга эга педагогларнинг фарзандларига олийгоҳ контракти учун фоизсиз кредит ажратилиши, хорижий ва миллий сертификат олган муаллимларнинг имтиҳон харажатлари тўлиқ қопланиши устозлар меҳнатига юксак эҳтиромнинг яна бир ифодасидир. Бундай имкониятлар эса педагог касби нуфузини янада ошириш, ўқитувчиларни касбий ривожланишга рағбатлантириш ҳамда таълим тизимида юқори малакали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга замин яратади.

Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Менделеев номидаги халқаро ва минтақавий олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган педагогларга тўғридан тўғри олий тоифа бериш тизими жорий этилиши, шубҳасиз, ўқитувчининг билим, тажриба ва машаққатли меҳнатини муносиб эътироф этишга хизмат қилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб 100 та мактабнинг биттадан синфида математика, информатика ва табиий фанларни инглиз тилида ўқитиш амалиёти йўлга қўйилиши таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадамдир. Бу лойиҳа доирасида фаолият юритадиган ўқитувчилар ҳамда мактабга тайёрлов гуруҳи педагогларига 100 фоиз устама тўланиши уларни қўллаб-қувватлаш ва сифатли таълим жараёнини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини ошириш, замонавий билимларни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиришга замин ҳозирлайди.

Булар юртимизда таълим-тарбия соҳасида, устоз ва мураббийлар ҳамда уларнинг фарзандлари ҳаётида янги, мазмунан бой давр бошланаётганини англатади. Зеро, илм-маърифатга, ўқитувчи меҳнатига юксак эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Президентимиз навбатдаги истиқбол мақсадни белгилаб берди: янги Ўзбекистонни нафақат олимпиада чемпиони, балки дунё шахмат марказига айлантириш. Бунинг учун мамлакатимизда тажриба, натижа ва ёшларга намуна бўладиган чемпионлар борлиги таъкидланди.

ДАВР НАФАСИ | 3

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 3 октябрь, 205-сон

НОТИНЧ ДУНЁДАГИ ТИНЧ, БАРҚАРОР МАМЛАКАТ



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Мулоқотлар кун тартибида Ўзбекистон — Сербия кўп қиррали шериклигини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда транспорт, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари каби устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Тартибли меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Белград музокаралари якунлари бўйича икки мамлакат раҳбарлари Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади, улар ҳузурида икки томонлама ҳужжатлар алмашилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президентини Сербиянинг олий давлат мукофоти — Катта занжирли Сербия Республикаси ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Президентимизга ушбу орденни Сербия раҳбари Александр Вучич топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак мукофот учун чуқур миннатдорлик билдириб, уни Сербия халқининг Ўзбекистонга бўлган юксак ҳурмати, мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга қатъий интилиш рамзи деб билишини таъкидлади.

Ташқи сиёсат харитасининг навбатдаги манзили Осиё минтақаси — Корея Республикаси бўлди. Ўзбекистон Президенти ушбу мамлакат раҳбарининг таклифига биноан 13 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеул шаҳрига келди. 3 кун давомида давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён билан тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокаралар, Миллий Ассамблея Спикери Чо Чжон Шик, Бош вазир Хан Сон Сук, йирик компаниялар ва молия институтлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперацияни чуқурлаштириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида ҳам иштирок этди. Унда савдо, инвестициялар, инфратузилма, рақамли трансформация, илм-фан, технологиялар ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Шавкат Мирзиёев ҳамкорликнинг бешта стратегик йўналиши бўйича ўз таклифларини илгари сурди.

Иқтибос: “Биз истиқболни Корея бизнесининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини минтақамизнинг таълим соҳасидаги салоҳияти билан бевосита боғлашда кўрмоқдамиз. Бундай ёндашув кўплаб истеъдодли ёшларга касбий ривожланиш учун йўл очади ва қўшма лойиҳаларимиз бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кафолатлайди”.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форумида нутқ сўзлади. Жанубий Корея Ўзбекистонининг вақт синовидан ўтган дўсти ва алоҳида стратегик шериги эканини, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик эса икки томонлама кўп қиррали алоқаларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ташриф чоғида ушбу мамлакатда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашув ўтказилди. Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун ватандошларимизга миннатдорлик изҳор этиб, уларнинг ҳар бир ташаббуси батафсил ўрганилишини, энг муҳим лойиҳалар ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватланишини билдирди.

Дарвоқе, Президентимизнинг давлат ташрифи муносабати билан мамлакатнинг нуфузли нашрлари — “Chosun Ilbo”нинг инглиз тилидаги платформаси “The Chosun Daily” ҳамда “The Korea Herald” газетасида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон ва Корея Республикаси: ўзгаришлар даврида келажак сари интилаётган ҳамкорлик” мақоласи чоп этилди.

Мақолада Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлигининг тарихий асослари ва юксак ишончга таянган алоҳида стратегик шериклик истиқболлари ёритилган. Мамлакатларимиз нафақат вақт синовидан ўтган ҳамкорлар, балки муштарак қадриятлар ва инсоний ришталар боғлаб турган яқин дўстлар экани таъкидланган.

“Марказий Осиё ва Корея Республикаси тинчлик, инновациялар, ўзаро ишонч ва умумий фаровонликка асосланган ҳамкорликнинг янги маконини шакллантира олишига чин дилдан ишонаман”, дейилади мақолада.

Ички иқтисодий сафарбарлик

Сентябрь ойида Президентимиз Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, Олмазор туманида бўлиб, фаоллар билан учрашди, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йил август ойида пойтахтимиз марказида барпо этилажак Ўзбекистон Миллий музейи қурилишига тамал тоши қўйилган эди.

11 сентябрь куни Президентимиз музей ҳудудида бажарилаётган кенг кўламли қурилиш-монтаж ишлари, объектлар пойдевори ва муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш жараёни билан танишди. Мажмуа юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва келажак интилишларини намоён этадиган муҳим маданий маскан бўлиши таъкидланди.

Шу куни Олмазор тумани “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида ташкил этилган вазиятлар маркази фаолияти, Қичқириқ маҳалласидаги ободонлаштириш ишлари ва аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди, ишлаб чиқариш субъектлари ҳамда таълим муассасаларидаги имкониятларни кўрди, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва бандликни оширш, маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилишда бугунги мураккаб шароитда ҳар бир туман ва маҳалланинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, қўшимча қиймат, инвестиция ва юқори даромадли иш ўринларини кўпайтиришга янгича ёндашиш зарурлиги айтилди. Пойтахт туманлари ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ иқтисодий йўналишларга ихтисослашиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз 18 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига келди. Дастлаб Кегейли туманидаги “ADM Agro” корхонасининг саноатлашган интенсив боғида йўлга қўйилган замонавий аграр тажрибани кўздан кечирди. Сўнг мулоқотлар “Кегейли барака наслли парранда” корхонаси фаолияти билан танишув чоғида давом этди. Шунингдек, Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласида бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар, Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академияси фаолияти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташриф доирасида янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. 592 миллион долларлик 11 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирокида амалга ошириладиган 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Уларнинг ҳисобига 8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Хусусан, Қораўзак туманида умумий қуввати 300 мегаватт бўлган иккита шамол электр станцияси ва 100 мегаваттли электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилди. Ишга туширилган объектлар қаторида Нукус шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда барпо этилган Шайх Халифа номидаги шифохона ҳам бор. Қиймати 27 миллион доллар бўлган 100 ўринли муассаса замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Шу ернинг ўзида Нукус шаҳрида ёш оилалар учун барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” турар жой массиви тақдимоти ўтказилди. Массив учун 270 гектар майдон белгиланиб, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошланган. Бу ерда 30 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар, йирик бизнес марказлари, савдо, хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар объектлар қурилади.

Президентимиз раислигида 19 сентябрь куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мавжуд ер, минерал ва энергетика ресурсларини юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга айлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай шаҳар ва маҳалла муҳитини яратиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳар ва овулда қулай турмуш шароитини яратишда кўча ва маҳалла бийлари, нуронийларнинг тажрибаси, ёшларнинг ғайрати ва аҳоли ташаббускорлигини бирлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз етакчисининг навбатдаги ташриф манзили Андижон вилояти бўлди. 23-24 сентябрь куни Шавкат Мирзиёев янги аэропорт қурилиши, Андижон туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Eco Cotton” корхонаси фаолияти, туманда кичик гидроэлектр станциялари учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида эса умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион доллар бўлган 206 та лойиҳа қамраб олинди. Шундан 2 миллиард 50 миллион долларлик 98 лойиҳа ишга туширилган бўлса, 7 миллиард 350 миллион долларлик 108 лойиҳанинг қурилиши бошланди.

Ушбу лойиҳалар энергетика, қурилиш, тўқимачилик, машинасозлик, таълим, туризм, логистика, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳаларни қамраб олган. Улар вилоятнинг барча шаҳар ва туманида амалга оширилади.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз раислигида Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда ҳудудни изчил иқтисодий юксалтириш, ижтимоий бирдамлик ва ўсишга хизмат қиладиган таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди. Кейинги йилларда вилоятда барча соҳалар бўйича кўплаб ютуқларга эришилди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти 8,8 фоиз ўсган. Айни кўрсаткич саноатда 9,2 фоизни, хизматлар соҳасида 16,1 фоизни ташкил этган.

Янгиланишлар рақамлар билан эмас, ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига қандай ўзгариш олиб киргани билан баҳоланади. Ана шу нуқтаи назардан, янги марралар белгилаб олинди. Табиийки, уларга эришишнинг аниқ режаси, иқтисодий-ижтимоий харитаси ҳам кўрсатиб берилди. Жумладан, йиғилишда инвестициялар ҳажмини ошириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Ислоҳотларда тизимлилик ва изчиллик

Президентимиз раислигида 3 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳолини даромад манбалари билан таъминлаш ва маҳалла даражасида иқтисодий имкониятларни кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу мақсадлар учун ҳудудларга катта ваколат, молиявий ресурс ва инфратузилмавий имкониятлар берилди, ҳар бир оила билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилган.

Натижада йил бошида 5,8 фоизни ташкил этган камбағаллик даражаси бугунги кунга келиб 3,9 фоизга тушди. Эҳтиёжманд аҳоли сони 2 миллион 200 мингдан 1,5 миллион нафарга камайди. Ишлар тўғри ташкил этилган 49 та туман ва 3 минг 429 та маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда ҳудудлар кесимида натижалар бир хил эмаслиги кўрсатиб ўтилди, мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланиб, белгиланган вазифаларни тизимли ва натижадор ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Ҳудудларда ишни ташкил этиш тартиби тубдан ўзгартирилиб, асосий ваколат ва ресурсларни туман даражасига тушириш белгиланди.

9 сентябрь куни эса ҳудудларда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш борасида қилинаётган ишлар юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда 1 ҳафта аввал белгиланган янги тизимга мувофиқ, ҳар бир вилоят ва туманда ҳоким бошчилигида штаблар ташкил этилиб, бандлик идоралари ва иқтисодий комплекс ташкилотлари одамларни иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш масалаларини жойнинг ўзида ҳал қилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ана шу вазифалар ижроси, штаблар фаолияти ва жойларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати танқидий кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, барча ҳудудларда штаблар иш бошлади. Уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун иқтисодий комплексдан ҳар бир вилоятга 2 нафардан, жами 28 масъул раҳбар бириктирилди. Ислоҳотлар штаби, вазирликлар, банклар ва маҳаллий ҳокимликлар янги тизим асосида ишни бошлаган.

Давлатимиз раҳбари раислигида ва ҳузурида ўтган бошқа қатор тақдимот ҳамда йиғилишларда ҳам эътибор жамиятда кечаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида тизимлилик ва изчилликни таъминлашга қаратилди. Хусусан, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш якунлари ҳамда миллий статистика тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш, маданий меросни асраб-авайлаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги босқичга олиб чиқиш масаласида таклифлар тақдимоти билан танишилди.



Меҳр дарёси, эзгулик булоғи, маърифат қуёши!

Ҳар йили Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ байрамига уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда Билимлар куни ҳам кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан мамлакатимиз мактаблари ўқувчилари ва устоз-мураббийларига табрик йўллади. Ушбу қувончли айёмда беғубор нигоҳларида ҳайрат ва ҳаяжон учқунлари порлаб, катта орзу-интилишлар билан мактаб остонасига қадам қўяётган 800 мингга яқин ўғил-қизимизга, ота-оналар ва педагоглар жамоатчилигига эзгу тилакларини билдирди.

Иқтибос: “Кейинги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз туфайли янги Ўзбекистон мактаблари бутунлай янгича қиёфа касб этиб, таълим сифати такомиллашиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ана шундай муҳитда улғайиб, камолга етаётган, ўқиш, касбий таълим, “Ай-ти”, ижодий изланишлар, спорт, жамоат ишларида дастлабки ютуқлари билан ота-оналар ва устозларни хурсанд қилаётган ўғил-қизларимиз — бизнинг нурли келажагимиз, олтин фондимиздир”.

Юртимизда 1 октябрь куни нишонланадиган Ўқитувчи ва мураббийлар куни шукуҳи эса сентябрнинг сўнгги декадасидан сезила бошлайди. Жойларда байрам тадбирлари ўтказилиб, устозларга эҳтиром кўрсатиш ва фидойи меҳнатини эътироф этиш мутасаддилар диққат марказида бўлади.

Президентимизнинг 29 сентябрь куни эълон қилинган фармонига мувофиқ, янги Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига илғор тажрибалар, инновацион педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишларига қўшаётган муносиб ҳиссаси, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, шунингдек, юртимизда таълимга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаётгани учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларимиз мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари байрам арафасида устоз ва мураббийлар билан учрашиб, таълим соҳасидаги янги ташаббусларни белгилаб берди, таълимни ривожлантириш янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим бўғини эканини таъкидлади. Келгуси вазифалар таҳлилига тўхталар экан, мактаб битирувчиси катта ҳаётга касб ва хорижий тилни эгаллаб чиқиши зарурлигини қайд этди. Мактаб директорларига бу борада қўшимча ваколатлар берилади, ҳамкорликка тайёр тадбиркорлар учун шароит яратилади.

Ўқувчи ўринларига талаб ортиб бораётгани муносабати билан хусусий мактабларни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам эълон қилинди. Ўқув юкламаси юқори 52 та туманда уларни ташкил этиш учун имтиёзли кредит ва субсидия ажратилади. Бўш турган давлат бинолари хусусий мактабларга ўн йилга бепул ижарага берилади, халқаро аккредитация харажатининг ярми қопланади. Фарзанди хусусий мактабда ўқийдиган ота-оналар учун солиқ олинмайдиган даромад чегараси икки баробар оширилади.

Олий таълим ҳақида сўз борар экан, мамлакатимизда талабалар сони 1 миллион 600 мингга етгани, еттита олийгоҳ 17 та фан бўйича халқаро рейтингга киргани қайд этилди. Шу билан бирга, Президентимиз университетлардаги дарсликлар мазмуни ва мутахассислар тайёрлаш сифати бугунги талабга тўлиқ жавоб бермаётганини танқид қилди. Муҳандислик ва тиббиёт олийгоҳлари замонавий йўналишлар бўйича янги ўқув адабиётларини яратиш, илғор хорижий китобларни таржима ва мослаштириш ишларини кучайтириши зарур.

Учрашувда таълим ва илм-фан фидойиларининг бир гуруҳига давлат мукофотлари топширилди. Тақдирланганлар орасида устозлар билан бирга таълим ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркор ва хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Шу куни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги эълон қилинди. Президентимиз ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишга — ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган мўътабар зотларни, юртимиздаги барча педагог ходимларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этди.

Иқтибос: “Миллий юксалишнинг таянч асоси — мактаб, техникум ва олийгоҳлар эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Шу боис, бу борада биз аввало сизларга — муҳтарам устоз ва мураббийларимизга таянамиз”.

Ақллар жанги суворийлари

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд мезбонлик қилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси юксак савиядаги ташкилотчилик руҳи билан бирга ўзбекистонлик шахматчиларнинг оламшумул ғалабаси билан ҳам тарих зарварақларига ёзилди. Вакилларимизнинг юқори даражадаги ўйини бутун дунёни лол қолдирди. Ақл ва тафаккур борасида ёшларимиз ҳеч кимдан қолишмаслигини яна бир бор амалда исботлади.

Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев ва Муҳиддин Мадаминовдан иборат жамоамиз ҳал қилувчи сўнгги турда украиналик шахматчиларни мағлуб этди. Шу тариқа йигитларимиз олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлди. Зафарли натижа муносабати билан Президентимиз шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига табрик йўллади.

Иқтибос: Сизлар — Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари, жаҳон шахмат оламида янги тарих яратган олтин авлодсиз. Бутун халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади, ғурурланади”.

Президентимиз 28 сентябрь куни “46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадаси ғолиблари ва иштирокчиларини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Мамлакатимиз раҳбари шахмат ва парашахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари, уларнинг яқинлари, устоз ва мураббийлари билан учрашди. Ғолибларни табриклаб, уларга мукофотларни топширди.

Президентимиз навбатдаги истиқбол мақсадни белгилаб берди: янги Ўзбекистонни нафақат олимпиада чемпиони, балки дунё шахмат марказига айлантириш. Бунинг учун мамлакатимизда тажриба, натижа ва ёшларга намуна бўладиган чемпионлар борлиги таъкидланди. Улардан илҳомланган минглаб болаларнинг шахматга кириб келиши янги истеъдодларни кашф этиш учун мустаҳкам замин яратади.

Шу мақсадда ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллада иқтидорли болаларни эрта аниқлаш, уларни кучли устозларга бириктириш ва халқаро турнирларда мунтазам қатнашишига шароит яратиш вазифаси қўйилди. Қизлар шахмати ва парашахматни ривожлантириш бўйича алоҳида тизим ташкил этилади. Тошкент халқаро шахмат академиясининг Самарқанд, Хоразм ва Фарғонада минтақавий филиаллари очилади.

* * *

Шунингдек, ой мобайнида Президентимиз қатор нуфузли хорижий делегация раҳбарларини қабул қилди, турли давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан телефон орқали мулоқот ўтказди. Парламентлараро Иттифоқнинг XII Ёш парламент аъзолари бутунжаҳон конференцияси иштирокчиларига, Ўзбекистон туризм соҳаси ходимларига, Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг тўртинчи бизнес форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

Рақамларнинг ҳақиқий қиймати

Сентябрнинг сиёсий манзарасига назар ташласак, мамлакат бошқарувида иқтисодиёт масаласи марказий позициясини тобора мустаҳкамлаб бораётгани кўринади. Инвестиция, саноат, экспорт, янги иш ўринлари, энергетика ва транспорт — булар шунчаки иқтисодий атамалар эмас. Улар бугун сиёсий кун тартибининг асосий мулоқот тилига айланган.

Давлатимиз раҳбари ташриф буюрган ҳудудларда миллиардлаб долларлик лойиҳалар ҳақида сўз боради. Янги заводлар, энергетика объектлари, логистика марказлари, технологиялар ҳақида режалар эълон қилинади. Лекин ҳар бир миллиард доллар ортида оддий инсонлар тақдири бор: иш излаётган ёш, даромадини ошириш ва фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган оила, фарзандига муносиб келажак ҳозирлаш қайғусида тунни кунга улаётган ота-она... Шундан келиб чиқиб, бугунги иқтисодий рақамларнинг ҳақиқий қиймати уларнинг қоғоздаги ҳажми билан эмас, одам ҳаётига қанчалик тез ва сезиларли кириб бориши билан ўлчанаётгани маълум бўлади.

2026 йил 3 октябрь, 205-сон

ЖСТга қўшилиш бож тарифларидан ташқари субсидиялар сиёсати, давлат корхоналари фаолияти, техник регламентлар, санитария ва фитосанитария нормалари, интеллектуал мулк, хизматлар бозори ҳамда савдо ҳимоя чораларини халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz
yuz.uz_news
yuz.uz_news



Янги Ўзбекистон руҳи

ГЛОБАЛ КУН ТАРТИБИМИЗДА МУЛОҚОТ, ОЧИҚЛИК ВА ИНСОН ҚАДРИ

Бугунги халқаро муносабатлар тизими бир вақтнинг ўзида геосиёсий рақобат, қуролли можаролар, иқтисодий ноаниқлик, иқлим ўзгариши, технологик трансформация ва демографик силжишлар каби мураккаб жараёнларни бошдан кечирмоқда. Ўтган ойда мана шундай шароитда Нью-Йоркда ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессияси доирасида Ўзбекистон илгари сурган ёндашувлар мамлакат ташқи сиёсатида инсон қадри, мулоқот, халқаро ҳуқуқ ва очиқлик тушунчалари ўзаро боғланиб бораётганини кўрсатди.



Беҳзод СОИПОВ,
сиёсий фанлар доктори, доцент

Ушбу сессия халқаро тизим учун мураккаб даврга тўғри келди. Сессия кун тартибида халқаро хавфсизлик, глобал бошқарув, ривожланиш ва халқаро институтларнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалалар марказий ўрин эгаллади.

Ўзбекистон номидан билдирилган позицияда тинчлик, тараққиёт ва инсон қадр-қиммати ўзаро боғлиқ тушунчалар сифатида талқин қилинди. Хусусан, “Бизнинг танловимиз — инсон қадри” деган формула ҳамда халқаро ҳуқуқ давлатлар вазиятга қараб фойдаланадиган восита эмас, барча учун умумий қоида бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикр алоҳида эътиборга молик.

Бу ёндашувни бугунги геосиёсий шароитда муайян блок ёки куч марказини танлашдан кўра, халқаро ҳуқуқ, мулоқот ва миллий манфаатлар ўртасидаги мувозанатга таянувчи сиёсий позиция сифатида талқин қилиш мумкин. Халқаро ҳуқуқнинг универсаллиги ҳақидаги тамойилнинг амалий аҳамияти унинг фақат баён этилишида эмас, балки турли вазиятларда изчил қўлланишида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш масаласи ҳам алоҳида мазмун касб этади. Ўзбекистон томонидан қарор қабул қилиш билан чекланмайдиган, уларни амалда бажаришга қодир ва барча давлатнинг овози эшитиладиган БМТ зарурлиги таъкидланмоқда. Хавфсизлик кенгашини замонавий халқаро воқеликка мослаштириш, глобал институтларнинг вакиллик даражасини ошириш каби масалалар бугун фақат Ўзбекистон эмас, кўплаб давлатларнинг ташқи сиёсий кун тартибида мавжуд.

Ўзбекистон халқаро институтлар самарадорлигидаги муаммоларни қайд этиш билан бирга улардаги иштироки ва масъулиятини кенгайтиришга интилмоқда. Бу ёндашув халқаро тизимни четдан кузатишдан кўра, унинг қоидалари ва механизмлари доирасида фаол иштирок этишга урғу бераётганини кўрсатади.

Мазкур ёндашув, айниқса, Марказий Осиё масаласида яққол кўринади. Яқин тарихда минтақадаги давлатлар ўртасида чегаралар, сув ресурслари, транспорт алоқалари ва бошқа масалалар бўйича мураккабликлар мавжуд эди. Бугунги шароитда эса савдо, транспорт, энергетика, экология ва чегараолди ҳамкорлигини умумий манфаатлар доирасида кўриб чиқишга қаратилган ёндашув кучаяётгани қайд этилмоқда. Халқаро муносабатлар назариясида буни “ноль йиғинди” мантиғидан узоқлашиш билан изоҳлаш мумкин. Яъни бир давлатнинг манфаатини иккинчи давлатнинг йўқотиши сифатида қабул қилиш ўрнига, ўзаро боғлиқликдан умумий фойда излаш имконияти пайдо бўлади.

Бу, ўз навбатида, Марказий Осиёнинг халқаро субъектлиги учун ҳам муҳим. Минтақа давлатларининг йирик куч марказлари билан икки томонлама алоқалари сақланиб қолади. Бироқ ички ишонч ва ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, минтақанинг ташқи шериклар билан музокараларда мустақил ҳаракат қилиш имконияти ҳам шунчалик кенгаяди. Шу сабабли яхши қўшничиликни фақат маънавий-сиёсий тушунча сифатида эмас, балки муҳим ташқи сиёсий ресурс сифатида ҳам кўриш лозим.



Марказий Осиёдаги тинчлик ҳамда хавфсизлик масаласи Афғонистон ва унинг минтақадаги иштироки билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистоннинг қўшни давлат борасидаги ёндашуви ана шу мантиқнинг давомидир. Афғонистонни фақат хавфсизлик таҳдиди нуқтаи назаридан кўриш муаммонинг барча жиҳатини қамраб олмайди. Шу маънода, прагматик сиёсат хавфсизликни иқтисодий боғлиқлик, инсон ҳуқуқлари ва узоқ муддатли минтақавий барқарорликдан ажратмай кўриб чиқишни талаб қилади. Марказий Осиё минтақасининг халқаро ҳамжамият ва инвесторлар учун жозибадор ҳамда йирик бозор сифатида тақдим этилишида Афғонистоннинг минтақа давлатлари билан муносабатлари, ривожланиш тенденцияларига жалб этилиши, шунингдек, минтақа давлатларининг жаҳон бозорларига интеграцияси муҳим аҳамият касб этади.

Нью-Йоркдаги кун тартиби билан уйғун ҳолда, Ўзбекистоннинг иқтисодий очиқлик сиёсатида Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни ҳам алоҳида ўрин тутди. ЖСТ маълумотларига кўра, 2026 йил сентябрда Ўзбекистон музокара гуруҳи учун савдо ҳимоя чоралари, субсидиялар ва давлат савдосига оид қоидалар бўйича махсус техник семинарлар ўтказилган. Ушбу ишлар мамлакатнинг ЖСТга қўшилиш бўйича ишчи гуруҳининг 14-йиғилишига тайёргарлик билан боғланган.

Бу жараённинг моҳиятини шунчаки яна бир халқаро ташкилотга аъзо бўлиш билан чеклаш тўғри бўлмайди. ЖСТга қўшилиш бож тарифларидан ташқари субсидиялар сиёсати, давлат корхоналари фаолияти, техник регламентлар, санитария ва фитосанитария нормалари, интеллектуал мулк, хизматлар бозори ҳамда савдо ҳимоя чораларини халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади. Демак, аъзоликнинг энг катта таъсири ташқи сиёсий рамзда эмас, балки мамлакатдаги иқтисодий институтларнинг ишлашида намоён бўлади.

Барқарор ва олдиндан маълум савдо қоидалари экспортёр ва инвесторлар учун прогноз қилинадиган муҳит яратишга хизмат қилади. ЖСТга аъзоликнинг реал натижаси аъзолик фактининг ўзидан кўра ундан кейинги иқтисодий сиёсат, рақобат муҳити ва миллий корхоналарнинг янги шароитга мослаша олиш имкониятига боғлиқ бўлади.



Тошкент халқаро молия марказининг ташкил этилиши иқтисодий очиқлик билан боғлиқ яна бир муҳим жараёндир. 2026 йил 13 июлдаги конституциявий қонун Тошкент халқаро молия маркази учун махсус ҳуқуқий асосни белгилади. Ҳужжатда марказ доирасида Англия ва Уельс ҳуқуқи принциплари, махсус тижорат суди ва халқаро арбитраж механизмларининг амал қилиши назарда тутилган. 10 сентябрда қабул қилинган фармон билан эса марказ бошқарувининг ташкилий механизмлари белгиланди.

Инвестор капитал киритишдан аввал бир неча оддий, аммо фундаментал омилларга эътибор қаратади. Хусусан, улар учун шартномаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ҳимояланиши, низоларни кўриб чиқиш тизимининг тезкор ва холислиги, суд қарорларининг амалда сўзсиз ижро этилиши ҳамда регулятор сиёсатининг прогноз қилинувчанлиги ўта муҳим. Шу маънода, Тошкент халқаро молия маркази Ўзбекистоннинг хорижий капиталга очиқлиги билан бир қаторда мамлакат ҳуқуқий институтларининг сифати ва самарадорлигини ҳам синовдан ўтказадиган лойиҳадир.

Демография Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиётига дахлдор фундаментал масалалардан. 2026 йилда мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги илк аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилди. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) эълон қилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси 39 миллиондан ошади. Рўйхат аҳоли таркиби, миграция, бандлик, таълим ва уй хўжаликлари ҳақидаги режалаштириш учун янги маълумот базасини яратмоқда.

Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб бораётган ёш аҳолиси мамлакатимизнинг энг катта бойлиги ва келгуси иқтисодий юксалишининг асосий драйверидир. UNFPA таҳлилларига кўра, 2050 йилга қадар меҳнатга лаёқатли аҳолининг муттасил кўпайиб бориши давлатимизга ноёб демографик дивиденд тақдим этади. Ушбу улкан салоҳиятни реал иқтисодий мўъжизага айлантириш йўлида инсон капиталига тизимли инвестиция киритилмоқда: сифатли таълим, замонавий касбий кўникмалар, илғор соғлиқни сақлаш тизими ва иш ўринларини очиш шулар жумласидан. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳаракатчанлигини қўллаб-қувватлаш орқали Ўзбекистон жадал ривожланаётган, глобал майдонда ўзининг мустаҳкам ўрни ва юқори рақобатбардошлигига эга қудратли давлат сифатида янги марраларни забт этади.

Бугунги халқаро кун тартибида экология ва технология ҳам анъанавий хавфсизлик тушунчасининг чегараларини кенгайтирмоқда. Орол денгизи билан боғлиқ экологик инқироз сув ресурслари ва атроф-муҳит муаммолари бир давлат чегарасида қолмаслигини яққол намоён этмоқда. Марказий Осиёда иқлим, сув, энергетика ва демография масалалари тобора кўпроқ ўзаро боғланмоқда. Шу сабаб келажакдаги минтақавий ҳамкорликнинг муҳим синовларидан бири айнан экологик ресурсларни бошқариш билан боғлиқ бўлади.

Худди шунингдек, сунъий интеллектнинг ривожланиши ҳам фақат технологик ютуқлар масаласи эмас. Рақамлаштириш давлат бошқаруви, молия, таълим ва хизматлар сифатини тубдан ўзгартирмоқда. Бироқ алгоритмик дискриминация, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик, жавобгарлик ва меҳнат бозоридаги ўзгаришлар каби янги масалалар ҳам пайдо бўлади. Технологияни импорт қилиш нисбатан осон. Уни инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги билан уйғун бошқарадиган институционал тизим яратиш эса анча мураккаб.

Сунъий интеллект, экология ва демография билан боғлиқ масалалар хавфсизлик тушунчасининг анъанавий чегаралари кенгаяётганини кўрсатса, бу жараённинг яна бир муҳим қатлами маънавий-маърифий барқарорлик масаласидир. Бугунги мураккаб ахборот муҳитида диний саводсизлик, мутаассиблик ва муросасизликка қарши фақат маъмурий ёки хавфсизлик чораларига таяниш етарли эмас. Узоқ муддатли барқарорлик диний билимни илмий асосда ўрганиш, тарихий меросни холис тадқиқ этиш ҳамда турли эътиқод ва маданият вакиллари ўртасидаги мулоқот учун барқарор институционал майдон яратишни ҳам талаб қилади.

Шу жиҳатдан Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказининг халқаро минбарда тилга олиниши алоҳида аҳамият касб этади. Марказ тарихий ёдгорликлар жамланган музей сифатидагина эмас, балки Марказий Осиёнинг жаҳон илм-фани ва ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини замонавий илмий тил орқали намойиш этувчи маданий-маърифий платформа сифатида шакллантирилмоқда.

Аслида, бундай ёндашув мамлакатимизнинг янги ташаббуси эмас, балки сўнгги ўн йилликда изчил шаклланиб келаётган диний-маърифий сиёсатининг навбатдаги босқичидир. Муҳими, “жаҳолатга қарши маърифат” ғояси фақат халқаро минбарларда билдирилган сиёсий формула бўлиб қолмади. Кейинги йилларда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳамда Ислом цивилизацияси марказини қамраб олган илмий-маърифий инфратузилма шакллантирилди. Ташқи сиёсатда илгари сурилган маърифат ва бағрикенглик концепцияси мамлакатда илмий марказлар, таълим муассасалари ва меросни тадқиқ этиш механизмлари орқали моддий шакл касб этмоқда.

Бу жараённинг реал натижалари ҳам тобора кўринмоқда. 2026 йил 17 мартда расман фаолият бошлаган Ислом цивилизацияси марказига 1 июнь ҳолатига кўра, ярим миллионга яқин маҳаллий ва хорижлик меҳмон борган, 150 дан ортиқ чет эл делегацияси қабул қилинган. Марказ маълумотларига кўра, илмий ва инновацион йўналишда 810 та лойиҳа амалга оширилиб, уларга қарийб 2000 маҳаллий ва хорижлик олим жалб этилган. Маданий меросни қайтариш бўйича қилинган ишлар натижасида эса мингдан зиёд тарихий артефакт Ўзбекистонга қайтарилган.

Бу рақамлар диний-маърифий сиёсат самарадорлигини фақат конференциялар ёки баёнотлар сони билан эмас, балки илмий маҳсулот, халқаро академик ҳамкорлик, маданий мероснинг тикланиши ва жамоатчиликнинг ундан фойдаланиш имконияти билан баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Диний мероснинг халқаро имиж ва гуманитар дипломатия воситасига айланиши муайян даражада масъулият ҳам талаб қилади. Тарихий шахслар ва диний меросни бугунги сиёсий эҳтиёжларга мослаштириш билан уларни холис илмий тадқиқ этиш ўртасидаги чегара сақланиши муҳим. Маърифатпарварликнинг барқарор модели тарихни идеаллаштиришдан кўра, манбашунослик, академик баҳс, қиёсий тадқиқот ва замонавий диншунослик методларига таянганида кучлироқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон илгари сураётган диний-маърифий ёндашувни “юмшоқ куч”нинг маърифатга асосланган шакли сифатида ҳам кўриш мумкин. Марказий Осиёнинг ҳадис, калом, фиқҳ, фалсафа, тиббиёт, астрономия ва математика тарихидаги бой меросини замонавий халқаро аудиторияга илмий асосда тақдим этиш мамлакатимизнинг цивилизацион имижини мустаҳкамлаш билан бирга диний ўзликни билим, бағрикенглик ва илмий тафаккур билан боғлаш имконини бермоқда. Натижада маърифат ва бағрикенглик ташқи сиёсий шиор эмас, балки илмий институтлар, таълим, маданий мерос ва халқаро академик алмашинув орқали ишлайдиган гуманитар дипломатия механизмига айланмоқда.

Айнан шу жиҳат умумий манзарани тўлдиради. Ўзбекистоннинг очиқлиги энди фақат дипломатик ёки иқтисодий тушунча эмас. У халқаро сиёсат, савдо ва инвестиция билан бир қаторда илм-фан, технология, демография ҳамда маданий-маърифий мулоқотни ҳам қамраб олаётган кўп қатламли жараёнга айланмоқда. Замонавий тараққиётда инсон қадри фақат сиёсий шиор эмас. У иқтисодий имконият, ҳуқуқий ҳимоя, сифатли таълим, хавфсиз атроф-муҳит ва эртанги кунга ишонч билан мазмун касб этади. Ана шу мезонлар халқаро очиқликни барқарор тараққиётга айлантирадиган асосий омиллардир.

Ўзбекистоннинг глобал майдондаги бугунги қиёфаси асрлар давомида шаклланган цивилизацион меросни замонавий давлатчилик мантиғи билан уйғунлаштириш, минтақа ва жаҳоннинг умумий тақдирига дахлдорликни танлаш жасорати.

Инсон қадри тушунчаси жамиятнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий қон томирларига сингиб борар экан, у том маънода давлатнинг янги асрдаги яшаш тамойилига айланмоқда. Дунё глобал зиддиятлар ва ноаниқликлар гирдобида тобора чуқур ботиб бораётган бир шароитда очиқлик, мулоқот ва маърифатга таянган ушбу йўл нафақат миллий юксалишнинг, балки Марказий Осиёни глобал архитектураниг барқарор ва интеллектуал устунига айлантиришнинг ҳаётий ечими сифатида кўрилмоқда.

СУВ ТЕЖАШДА КЕГЕЙЛИ ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШАДИ

Оролбўйи ҳудудида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аввало, сувдан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқ. Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида ташкил этилган саноатлашган интенсив боғ бу борада эътиборга молик тажриба бўлди.

Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи давомида “ADM Agro” корхонасининг мазкур интенсив боғига бориб, замонавий агротехнологиялар билан танишган эди. Лойиҳанинг умумий майдони 330 гектар. Ҳозир унинг 69 гектарида 250 минг туп қора олхўри парваришланмоқда. Лойиҳанинг муҳим жиҳати ёпиқ дренаж ва томчилатиб суғориш тизими биргаликда қўлланилаётганида. Мутахассислар фикрича, анъанавий усулда суғориш учун бир гектар майдонга 12 минг литр сув керак. Томчилатиб суғориш тизими орқали бу кўрсаткич 5 минг литргача камайган. Натижада сув 60 фоизгача тежалмоқда.

Таҳлилларга кўра, бундай технологиялар сув сарфини 45-50 фоизгача, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит харажатларини 25-35 фоизгача камайтиради. Ҳосилдорлик эса 15-20 фоизгача ошади. Тежамкор технологиялар сувни керакли вақтда ва зарур миқдорда экиннинг илдизига етказиб беради. Сув билан бирга минерал ўғитни ҳам аниқ меъёрда бериш имкони бўлади. Берилган ўғитни ўсимлик 90 фоизгача ўзлаштиради.

Оролбўйи шароитида сув тежаш баробарида ернинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, сизот сув сатҳини назорат қилиш ва тупроқда туз тўпланишининг олдини олиш ҳам муҳим. Шу маънода, боғда ёпиқ дренаж тизимининг томчилатиб суғориш билан уйғунлаштирилгани алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ёндашув ўсимлик илдиз қатламида мақбул сув-туз режимини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистондаги 417 минг гектар экин ерини суғоришга 5 миллиард 700 миллион куб метр сув сарфланмоқда. Йўқотишлар эса 38 фоизни — 2 миллиард 100 миллион куб метрни ташкил этмоқда. Тўрткўлдаги Ёнбош каналидан йилига ўтадиган 115 миллион куб метр сувнинг 44 миллиони йўқотилади. Канал тўлиқ бетонланса, яна 9 минг гектарга сув етказиш ва 15 минг бош қорамол учун озуқа базасини яратиш мумкин. Бўзатовдаги Эркиндарё каналининг 8 километрини бетонлаш ҳисобига фойдаланиладиган ер 3 минг гектарга кўпаяди, 15 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. 3 та сув иншооти ва 22 та артезиан қудуқ барпо этилиши яна 5 минг гектар озуқа майдонини яратиш имконини беради.

Нукус шаҳрида Президентимиз раислигида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ушбу ишларга жами 135 миллиард сўм ажратиш, икки канални 1 мартгача бетонлаш топширилди. Тўрткўл ва Бўзатовда келаси йил 17 минг гектарда озуқа экиб, 2 минг одамни даромадли қилиш вазифаси белгиланди.

Сув тежовчи технологияларни жорий этишдан асосий мақсад фақат сув сарфини камайтириш эмас. Тежалган ҳар бир куб метр сув бошқа экин майдонларини барқарор сув билан таъминлаш, сув танқислиги таъсирини юмшатиш ва мавжуд ресурслардан кўпроқ иқтисодий самара олиш имконини беради.

Энди Кегейлидаги тажрибани Қорақалпоғистоннинг бошқа ҳудудларига кенг татбиқ этиш режа қилинган. Интенсив боғлар майдонини 10 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда. Оролбўйининг мураккаб табиий шароити сувга муносабатни ҳам



Агротармоқ

ўзгартиришни талаб қилади. Бу ерда сувни кўп бериш эмас, уни аниқ ҳисоб, замонавий технология ва самарали бошқарув асосида ўсимликка етказиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кегейлидаги интенсив боғ ана шу тамойилнинг амалдаги кўринишидир.

Кейинги йилларда Оролбўйидаги вазият ўзгарди. Сув тежовчи технологиялар асосида маҳсулот етиштирган тадбиркорларга субсидия бериш тизими йўлга қўйилди. Имтиёзли кредитлар, солиқдаги енгилликлар, электр қуввати харажатининг бир қисмини қоплаш ва сервис хизматини кафолатлаш каби қўшимча механизмлар жорий этилди. Натижада фермер учун янги технологияга ўтиш тавакалчилик эмас, аниқ ҳисоб-китобга асосланган иқтисодий қарорга айлана бошлади.

Амалдаги тартибга кўра, пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган хўжаликларга ҳар бир гектар учун 8 миллион сўмдан 16 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса бу миқдор 12 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача етади. Ёмғирлатиб суғоришни жорий этганлар учун эса гектарига 8 миллион сўмдан 16 миллион сўмгача, дискрет суғориш учун эса 4 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача субсидия бериш белгиланган.

Сув тежовчи технологиялар ўрнатилган ер участкалари беш йилга ер солиғидан озод этилади. Шунингдек, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда, сув ҳисоблагич ўрнатилганда обиҳаётдан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 50 фоизли имтиёз қўлланилади. Махсус платформа орқали беш йил муддатга, шундан икки йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредит олиш имкони яратилди.

Албатта, ушбу енгилликлар фермерларнинг дастлабки харажатини камайтиради. Бу эса уларнинг томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий этишига катта рағбат беради.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нигоҳ

“ТЕЗРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ, ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА КИРИШГА ШОШИЛИНГ”

ёхуд собиқ элчининг фикри ўзгаришига нима сабаб бўлди?



Отабек ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Делегациямиз ушбу мамлакатда бўлиб турган кезларда Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг яна бир ёрқин самараси бўй кўрсатди: Мустақиллик тўйи арафасида Президентимизнинг фармонига кўра “Sojitz” компанияси директори Масаёши Фужимото мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестор сифатида қўшган ҳиссаси, амалга оширган йирик лойиҳалари учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Бу икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг нафақат маънавий-маърифий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам қанчалик мустаҳкам эканининг яққол далилидир.

Жаноб Като нима дейди?

Бир пайтлар Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлган Фумихико Като билан мулоқотимиз узоқ давом этди. Чунки гаплашадиган, муҳокама қиладиган мавзуларимиз кўп экан. Айни пайтда Япония — Ўзбекистон жамияти раиси сифатида фаолият юритаётган жаноб Като Ватанимизга эътибори бўлакча эканини яшириб ўтирмади:

— Ҳозир Ўзбекистон қизиқиш билдираётган асосий йўналишлардан бири — таълим. Аввал хориждан келадиган сармоя тахминан 2-3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозир у 40-50 миллиард доллар даражасига етди. Бу жуда муҳим кўрсаткич. Таълимни ҳам қамраб олган кўплаб соҳаларга чет эл сармояси жалб қилинмоқда. Ўқитиш соҳасида беш йил аввал Japan Digital University ташкил этилди. Университетда АТ ва япон тили ўқитилади. Ҳозир унда кўплаб ўзбекистонлик ёшлар таҳсил олмоқда. Дастлабки битирувчиларнинг бир қисми эса япон компанияларига ишга жойлашди. Бу ташаббус муваффақиятли бўлгани учун энди Цукуба университети, Окаямадаги Киби халқаро университети ва Окаяма тижорат университети каби қатор олийгоҳлар Ўзбекистонда университет ташкил этиш ёки таълим бўйича ҳамкорликни кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Собиқ элчи навбатдаги яна бир эътирофини чин дилдан айтди.

— 2013-2016 йилларда Ўзбекистонда фавқулодда ва мухтор элчи сифатида фаолият юритганим учун мамлакатингизни жуда яхши биламан. Ўн йил аввал ўз юртимга қайтганимдан кейин кўплаб компания раҳбарлари ва дўстларим “Ўзбекистон бозорига кириш мумкинми?” деб сўраганда мен уларга “Шошманглар, бир оз кутиб туринглар”, деб айтганман. Бугун эса ўша палла келди. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги қарийб ўн йиллик ислоҳотлар натижасини кўриб, бугун бутунлай бошқа фикрни айтяпман: **“Тезроқ ҳаракат қилинг, Ўзбекистон бозорига киришга шошилинг”.** Мен бу даъватимдан уялиб қолмаслигимга ишонаман, — деди Фумихико Като.

Маърифий дипломатия ютуқлари

Халқаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим қирраси — хорижда яшаётган ватандошларимиз билан маънавий алоқани мустаҳкамлаш. Мустақиллигимизнинг 35 йиллик тўйини юртимиздан минглаб километр узоқда яшаётган юртдошларимизга ҳам ҳис қилдириш, уларга Ватан нафасини етказиш мақсадида Нагояда “Мустақиллик кубоги” футбол мусобақаси ташкил этилди. Унда саккизта жамоа куч синашди. Бу оддий спорт тадбири эмас: у бир-бирига нотаниш, турли шаҳарларда яшаётган юртдошларимизни бир майдонда, битта байроқ остида бирлаштирди.

Сўнг ватандошларимиз бир пиёла чой устида, дастурхон атрофида жам бўлиб, миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш, чет элда ҳам ўзликни йўқотмаслик намунасини кўрсатди. Ватандошларимизга ўзбек тилида чоп этилган китоблар тортиқ қилинганида, улар кўпроқ адабиётларга эҳтиёжи борлигини билдирди. Бу эса хорижда яшаётган юртдошларимизнинг она юрт билан боғлиқ асарларга нақадар чанқоқ эканини яққол кўрсатиб турибди.

Хиросима шаҳрида ташкил этилган маданият кечаси сафарнинг яна бир ёрқин саҳифаси бўлди. Унда таниқли санъаткорларнинг концерт дастури ватандошларимиз ва япон томошабинлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бу Ўзбекистон маданиятини кенг жамоатчиликка танитишнинг яна бир самарали йўлидир.

— Бугунги байрам чиндан ҳам кўнгилларга қувонч бахш этди. Унутилмас лаҳзаларга бой ўтгани билан ёдимизда қолди, — дейди тадқиқотчи Нодира Турғунова. — Мустақиллик тўйи нафасини туйишга имконият яратиб бераётган мамлакатимиз раҳбарига, шунингдек, бизни йўқлаб келган ташкилотчиларга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз. Бугун биз нафақат маънавий ҳордиқ чиқардик, балки йиллар давомида юрагимиз



> **Ўн йил аввал ўз юртимга қайтганимдан кейин кўплаб компания раҳбарлари ва дўстларим “Ўзбекистон бозорига кириш мумкинми?” деб сўраганда мен уларга “Шошманглар, бир оз кутиб туринглар”, деб айтганман. Бугун эса ўша палла келди. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги қарийб ўн йиллик ислоҳотлар натижасини кўриб, бугун бутунлай бошқа фикрни айтяпман: “Тезроқ ҳаракат қилинг, Ўзбекистон бозорига киришга шошилинг”. Мен бу даъватимдан уялиб қолмаслигимга ишонаман, — деди Фумихико Като.**

Шунингдек, Токионинг бутун дунёга машҳур Шибуя чорраҳасида махсус байрам акцияси ташкил этилди: йирик экранларда Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳақидаги роликлар намойиш этилди. Ҳар куни миллионлаб одам кесиб ўтадиган бу майдонда мамлакатимизнинг бугунги қиёфасини кўрсатиш, назаримизда, маърифий дипломатиянинг замонавий ва таъсирчан шаклларидан. Маърифий дипломатия фақат расмий давраларда эмас, айнан шундай — халқ қалбида ва кўчаларда ҳам яшайди.

Китоб — дўстликнинг бошланиши

Бугун янги тушунча пайдо бўлган: китоб дипломатияси. Бирор давлатга бориб, турли ташкилотлар вакиллари билан учрашувларда китоб совға қилиняпти. Зеро, китоб — дўстлик белгиси.

Президентимиз ташаббуси билан чоп этилган “Мустақиллик зафарномаси” китоб-альбоми мамлакатимизда туризм, иқтисодиёт, маданият ва таълим каби қатор муҳим соҳалардаги ислоҳотларнинг кўламини кўрсатиб беради. Япония парламентида китоб-альбом тақдимотини ўтказдик. Вақт ўтиши, вакиллар алмашиши мумкин, асар эса ишончли манба сифатида сақланиб қолади. Ишонамизки, бу асар ҳам Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги ўзаро англашув ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



тубида тўпланиб қолган юрт соғинчига ҳам малҳам топдик. Айниқса, “Тановар” куйланганида кўнгилда таърифи қийин, бошқача туйғу уйғонди — кўз олдимиздан болалик, бутун Ватан манзараси ўтгандек бўлди. Ахир биз айнан шундай улуғвор оҳанглар остида улғайган, шу қўшиқлар билан вояга етган авлодмиз. Ишонамизки, бундай учрашувлар давомли бўлиб, хорижда яшаётган ҳар бир юртдошимизнинг қалбига шу тариқа Ватан тафти кириб келаверади.

Айнан шу нуқтаи назардан, Япония парламентидаги ушбу тақдимот, даврa суҳбатлари ва институционал учрашувлар “маърифий дипломатия” тушунчасининг амалий намунасига айланди. Бунда китоб, таълим ва маданий мерос давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамловчи восита сифатида майдонга чиқди.

Тадбирда Япония Вакиллар палатаси аъзолари — Томоми Инада, Ясутака Накасоне ва Карэн Макишима, Япония — Ўзбекистон жамияти раиси Фумихико Като ҳамда таълим, маданият ва бизнес доиралари вакиллари қатнашди. Унда мамлакатимизда сўнгги 10 йилда Президентимиз томонидан иқтисодиёт, таълим, маҳалла ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида видеоролик ҳамда китоблар орқали ҳикоя қилинди.

— Ҳар қандай миллат учун ўз тарихини, ўз сўзини асраб қолиш келажакка қолдириладиган энг қимматли меросдир, — дейди Япония Миллий парламенти кутубхонаси бош директори ўринбосари Кито Жунко. — Биз қарийб 50 миллионга яқин материални рақамли шаклга ўтказиш, уларни асраб-авайлаш ва эркин, сўз-матнли қидирув олиб бориш имконини яратиш устида йиллар давомида ишлаб келамиз. Бироқ билимнинг ҳақиқий қиймати у фақат бир мамлакат деворлари ичида қолиб кетмай, чегаралар ошиб, бошқа халқларга ҳам етиб борганда намоён бўлади. Шу боис, биз рақамли контентни хориждаги кутубхоналарга ҳам улашиш тизимини йўлга қўйганмиз. Ўзбекистон делегацияси бизга тақдим этган “Мустақиллик зафарномаси”, “Темурбек”, “Буюклар ҳақида 100 та далил” китоблари кутубхонамиздан муносиб ўрин олади. Бундай китоблар шунчаки қоғоз ва ҳарфлар эмас, балки халқнинг қалби, тафаккури ва орзу-умидлари жамланмасидир. Япон китобхони қўлига ўзбек адибининг асарини олганида у орқали бутун бир маданиятни, бутун бир халқнинг руҳини ҳис қила олади. Мен ишонаманки, билим ва китоб орқали ўрнатилган бундай кўприклар узоқроқ умр кўради, чунки улар инсон қалбига бевосита йўл топади.

Билим — бирлаштирувчи куч

Японияга сафар нафақат расмий учрашувлар, балки икки халқ ўртасидаги маънавий яқинлашувнинг янги босқичи бўлди. Биз кунчиқар мамлакатга алоҳида мақсад — таълим-тарбия тизими, хусусан, уларнинг “тоққацу” деб аталадиган мактаб маданияти ва маънавий-ахлоқий тарбия тажрибасини, шунингдек, миллий ёзма меросни рақамлаштириш борасидаги ютуқларини яқиндан ўрганиш учун ҳам бордик.

Япониянинг таълим тизими ва маданиятидаги диққатга сазовор жиҳати шундаки, у ёшларда бир вақтнинг ўзида мустақил фикрлаш, жамоавий масъулият, миллий ўзликни тарбиялайди. Бу ерда ҳеч нарса тасодифий эмас, ҳатто мактаб саёҳатларига ҳам ўқув дастурининг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Каецу Ариаке лицейи халқаро таълим бўлими директори, чет эл университетлари бўйича маслаҳатчи Ҳидео Ямаданинг айтишича, япон мактабларида одатда тарбия ва интизомга жуда жиддий эътибор берилади. Масалан, дарслар тугагач, ўқувчилар, албатта, мактабни тозалайди. Бу ишлар навбатчилик асосида бажарилади ва бундай амалиёт бутун Япония бўйлаб қўлланади. Уларнинг тартибли саф тортишга одатлангани ҳам мактаб тарбиясининг муҳим хусусиятларидан.

Мактабларнинг алоҳида жиҳати шундаки, унда болалар билан суҳбат ва мулоқот жуда қадрланади. Шунингдек, бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш доим ёдда тутиладиган тамойил сифатида ўқув дастурига киритилган.

Японияда диққатга молик ҳар бир тажриба — Миллий парламент кутубхонасидаги 48,6 миллиондан ортиқ материални рақамлаштириш тизимидан тортиб, ўқувчиларни мустақилликка ўргатувчи мактаб маданиятигача — битта умумий ғояга хизмат қилади: билим инсонни ҳам, халқни ҳам бирлаштиради.

“Ўзбекистонлик талабаларнинг интилиши юқори эканига гувоҳ бўлдим”

Сафар давомида бўлиб ўтган учрашувлардан бири — Нагоя иқтисодиёт университети раҳбарияти билан мулоқот биз учун алоҳида аҳамиятли бўлди. Учрашувда мазкур университет айнан Ўзбекистоннинг саккизта олий ўқув юрти билан ҳамкорлик ўрнатгани, бу эса япон таълим тизими учун камдан-кам учрайдиган ҳодиса экани қайд этилди. Қўшма диплом дастурлари доирасида бу ерда ҳозир 27 ўзбек талаба таҳсил олмоқда. Университетнинг “Аввало, шахс, сўнг маҳорат” тамойили бизни алоҳида қизиқтирди. Шу сабабли қўшма маънавий-ахлоқий таълим дастурини йўлга қўйиш ҳамда бу борада меморандум имзолаш таклифи илгари сурилди.

Мазкур таълим муассасаси президенти Ҳаруо Сабури мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида бундай дейди:

— 2019 йилда жаноб Президент Шавкат Мирзиёев Нагоя университетига ташриф буюриб, фахрий докторлик унвонини олган куни мен у билан бевосита мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлган эдим. Ўшанда у мамлакат келажагини таълимга алоҳида эътибор қаратиш орқали қуриш қатъий азму қарори эканини билдирди ҳамда Нагоя университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга ҳар томонлама кўмаклашиш ваъдасини берди. Бу мени жуда тўлқинлантириб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш истагини уйғотди. Айниқса, ўз нутқини айнан таълим масаласидан бошлаган ва маъруза давомида “таълим” сўзини тўққиз марта такрорлаган эди — мен нутқни диққат билан тинглаб, бу сўзни санаб бордим ва ҳайратда қолдим. Йиллар давомида ўзбекистонлик талабаларнинг интилиши юқори эканига гувоҳ бўлдим. Шу боис, бугун Нагоя иқтисодиёт университети Ўзбекистоннинг саккизта олий таълим муассасаси билан қўшма диплом дастурларини амалга оширмоқда. Ишончим комилки, бу ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва таълимий алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Истиқболли режалар орқали ёруғ манзиллар сари

Келишувлар ва ўтказилган тадбирлар якунида илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда Нагоя иқтисодиёт университети билан қўшма таълим дастури, Япониянинг “токкацу” тажрибасини танланган мактабларда пилот тажриба тариқасида татбиқ этиш, парламент кутубхонаси моделини миллий ёзма меросни рақамлаштиришда қўллаш, шунингдек, Япониядаги ватандош ёшлар билан алоқани янада ривожлантириш каби йўналишлар қамраб олинган.

Японiядаги Ўзбекистон туризми ва маданияти ассоциацияси асосчиси Акане Масаока ушбу соҳада йигирма йилдан буён фаолият юритади. Шу даврда кунчиқар юрт вакилларининг мамлакатимизга қизиқиши қандай ўсиб борганини ўрганиб келади.

— Ўтган йили Японiядан Ўзбекистонга 32 минг сайёҳ борди. Бу йил эса ушбу кўрсаткич икки баравар ошиши кутилмоқда ва бу тасодиф эмас, — дейди Акане Масаока. — Японiялик сайёҳлар учун Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа ҳудудларнинг меъморчилик обидалари ҳақиқий кашфиётдир. Уларнинг нафислиги, ранглар уйғунлиги ва узоқ тарихга эга экани бизнинг мамлакатдаги қадимий обидалар руҳини эслатади. Шу билан бирга, бутунлай ўзгача, шарқона нафосат билан йўғрилган. Миллий таомларингиз ҳам алоҳида ўрин тутади. Японияга қайтган сайёҳларимиз уларнинг таъми ҳақидаги эсдаликларини узоқ вақт гапириб юради. Энг муҳими, юртингизда сайёҳлар учун хавфсиз муҳит яратилган. Биз энди нафақат индивидуал сайёҳлар, балки махсус гуруҳ турларини, жумладан, гастрономик ва меъморий маршрутларни ҳам ташкил қила бошладик. Ишонаманки, хавфсизлик, меҳмондўстлик ва бой тарихий-маданий мерос — учови қўшилиб, Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёдаги энг севимли йўналишлар бўлиб қолишини таъминлайди.

* * *

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “таълим, таълим ва яна бир бор таълим” тамойили ушбу сафарнинг асосий мазмунини ташкил этди. Ҳар бир япон мутахассиси — университет раҳбаридан тортиб, мактаб ўқитувчисигача — бир овоздан ягона фикрни такрорлади: **“Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар, талабаларнинг билимга чанқоқлиги ва ёшларнинг интилувчанлиги ёруғ истиқболдан дарак бермоқда”.**

КЕЧАГИ ОРЗУЛАР БУГУН ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА

Дил изҳори

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида босиб ўтган йўли, меҳнати ва кеча-кундуз қилган изланишларига хулоса ясаладиган, айни пайтда келажак масъулияти елкасига тушадиган унутилмас дамлар бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан камтарона илмий изланишларим эътироф этилиб, “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланганим ҳақидаги хабарни эшитгач, анча вақт ҳаяжонимни босолмадим. Бу шунчаки шахсий ютуқ ёки бир нишон эмас, балки янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишда илм аҳлига, хусусан, ёш тадқиқотчиларга кўрсатилаётган юксак ишонч ва эътиборнинг амалий ифодасидир.



Жуманиёз САНГИРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари

Бугун мамлакатимизда илм-фан ва таълим шунчаки соҳа эмас, балки давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг миллий тарихимизни, ўзбек давлатчилиги илдизларини чуқур ўрганиш ва уни дунёга тарғиб қилишга қаратилган алоҳида эътиборини биз — ёш тарихчилар ҳар куни фаолиятимизда ҳис қилиб яшаяпмиз.

Охирги йилларда илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар, илмий ходимлар иш ҳақининг 3 баравар оширилгани, олимлар учун яратилган 30 фоиздан 60 фоизгача бўлган устамалар, бир вақтнинг ўзида университетларда дарс бериш ҳамда йирик фундаментал ва инновацион лойиҳаларда иштирок этиш имконияти ҳаётимизни тубдан ўзгартирди.

> **2018 йили Навоий номидаги давлат стипендияси, 2024 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига муносиб кўрилдим. 28 ёшимда тарих фанлари бўйича фалсафа доктори бўлдим. Ҳозир Тарих институтининг манбашунослик ва ҳужжатшунослик марказини бошқаряпман.**

Илгари ҳатто тушимизга ҳам кирмаган молиявий имкониятлар, юқори даромадга эга бўлиш, оила тебратиб, ҳеч нарсадан камчилик кўрмай, фақат ва фақат соф илм билан шуғулланишимиз учун барча шароит яратилди. Оддий оила фарзанди бўлмиш менинг сўнгги ўн йилдаги умр йўлим таълим ва илм-фандаги тарихий ўзгаришлар ҳамда яратилган шароитларда кечди. Бакалавриат, магистратура, докторантурада таҳсил олдим. 2018 йили Навоий номидаги давлат стипендияси, 2024 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига муносиб кўрилдим. 28 ёшимда тарих фанлари бўйича фалсафа доктори бўлдим. Ҳозир Тарих институтининг манбашунослик ва ҳужжатшунослик марказини бошқаряпман.

Бугун ёш олим, айниқса, ёш тарихчи сифатида иқтидоримни кўрсатиш учун барча шароит бор. Президентимиз топшириғи билан архивлар, жамғармалар, қадимий ва бой тарихимизни ўрганишга бағишланган фундаментал ва инновацион лойиҳаларда иштирок этиш учун барча эшиклар очилди. Чет элнинг таълимий ва илмий марказларига бориш, юртимизда халқаро тадбирлар уюштириш, китобларимизни нашр эттириш борасида кеча орзу бўлган шароитлар яратиб берилди. Ҳозир бўлажак олима аёлим билан шаҳарда ўзимнинг уйимда яшайман, институтга ўз автомобилимда қатнайман. Фақат ва фақат илм билан шуғулланмоқдаман.

Олим учун энг улуғ бахт ҳам аслида шу!

Эътироф



“ОСМОНИ ФАЛАКЛАРДА” – “КАСБ ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФИЛЬМ” ДЕБ ТОПИЛДИ



МЕЖДУНАРОДНЫЙ КИНОФЕСТИВАЛЬ

АНТАРЕС

Ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Осмони фалакларда” (“В небесах”) бадиий фильми 12–26 сентябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Антарес” III халқаро кинофестивалининг тўлиқ метражли бадиий фильмлар танловида биринчи ўринни қўлга киритди.



Ушбу конкурсга талабчан ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар эътиборига 44 давлатдан 172 та кинокартина тақдим этилди, умумий ҳисобда эса 79 мамлакатдан 3700 дан зиёд фильм келиб тушди.

Фестивалнинг бош мавзуси меҳнат аҳли бўлиб, у турфа касб эгалари — актриса, шифокор, учувчидан тортиб, фаррош, кулол, сартарош, каскадёр аёл, кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жаҳонгир Қосимов томонидан суратга олинган.

Сюжет асосини уч ҳикоядан иборат “Осмони фалакларда” туркумига кирувчи ҳикоя ташкил этиб, унинг киноталқини “Осмон қироли” деб аталади. Фильм марказида собиқ иттифоқ парчаланиб кетган даврда учувчилик билим юртини тугатиб, ишсиз қолган, сўнгра Тошкентга қайтиб, бу ерда “Граф” лақабли афсонавий учувчи Рашод Шамшетовни учратган ёш учувчи Бадалов тақдири туради. Бош қаҳрамон образи ҳаётдан олинган бўлиб, сюжет негизида турли авлодлар қалбидан чуқур жой олган ҳаққоний воқеалар мужассамдир.

Режиссёр Жаҳонгир Қосимов фестивалда картинани тақдим этар экан, бу фильм учувчилик касби ҳақида шунчаки ҳикоя эмас, балки, аввало, ор-номус, қадр-қиммат, эркинлик ҳақида эканини, инсон ўзининг ҳаётий принципларига содиқ қолиши учун баъзан қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келиши хусусидаги улкан инсоний драма эканини таъкидлади. Хайриддин Султоновнинг асарлари, хусусан, мазкур фильм сценарийси ниҳоятда ўзига хос ва бетакрорлиги, инсон характери теран очиб берилгани билан ажралиб туради. Фильмдаги диалоглар табиий ва сийқа қолиплардан йироқ — уларда жонли ҳаёт нафаси, изтироб, умид ва ишонч туйғулари яққол сезилиб туради.



Кинофестиваль директори, режиссёр ва продюсер Андрей Африн фильм ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, жумладан, бундай деди: “Биласизми, бу киноасарда мени нима ўзига мафтун этди? Бу ерда осмон шунчаки мажоз эмас. Бу инсон ўзи билан ўзи ёлғиз қоладиган, ҳеч қандай миллат, лавозим ёки ўтмишга суяниб бўлмайдиган макондир. Осмони фалакларда фақат сенинг ўзинг ва зиммангдаги масъулият бор, холос. Фильмнинг бош ғояси қўрқувдан ҳам, ҳокимиятдан ҳам устун турувчи касбга, инсоний бурчга садоқат туйғусидир. “Граф” қўлига кишан солинган собиқ бошлиғини кўрганда, гарчи у жиноятчи деб айбланаётган бўлса-да, уни шу ҳолда олиб учишдан бош тортади. “Менинг самолётимда учувчи зотининг хор қилинишига йўл қўймайман”, дея баралла айтади. Бу мавжуд тартиб-қоидаларни рад этиш шунчаки исён ёки ўзини кўрсатиб қўйиш эмас, балки карьераси, ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, кўрсатилган ҳақиқий жасоратдир… Мен бу фильмни томоша қилар эканман, касб машаққати ва шарафини, мана, қандай қилиб экранга олиб чиқиш керак деб ўйладим”.

Фильм намойиши муваффақият қозониб, томошабинлар ва киноижодкорлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

“Антарес” халқаро фестивали Бутунроссия “Хавфсизлик ва сифат” уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган кенг кўламли лойиҳадир. У ҳар йили давлат, тижорат ва соҳавий тузилмалар консорциуми кўмагида ўтказиб келинади. Бу йил фестиваль Гран-присини режиссёр Лус Орландо Бреннаннинг кекса актриса ҳақидаги “Мен йўқотган юлдуз” (Аргентина) фильми қўлга киритди. Ғолиблар қаторидан, шунингдек, Россия, Эрон, Ҳиндистон, Франция, Хитой, АҚШ, Испания, Беларусь ва Италия вакиллари ҳам жой олди.

Фирюза КУБАРЬЕВА

Мулоҳаза



РЕНЕССАНС ЧОРРАҲАСИ

Аждодлар руҳига эҳтиром

Гоҳида одам хаёлга толади: маърифат ўзи нима? У шунчаки китобларда чанг босиб ётган, сарғайган саҳифаларми ёки қалбларни ёритувчи, миллатни мудроқликдан уйғотувчи сўнмас нур?

Тошкентнинг қоқ марказида бўй чўзган Ислом цивилизацияси маркази пойида турганингизда хаёлингиздан айнан шу савол ўтади. Президентимизнинг юксак маънавий нигоҳи ва эзгу ташаббуси билан қад ростлаган бу маскан шунчаки муҳташам меъморий обида ёки Осиё харитасидаги навбатдаги йирик кошона эмас. Йўқ, бу — асрлар сукунатини бузиб, маърифат ва эътиқод чорраҳасида қайта тикланган тирик мозий, келажакка қўйилган мустаҳкам кўприк.

Бу ерга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон — хоҳ у сочларига оқ оралаган зиёли бўлсин, хоҳ олис қитъалардан келган сайёҳ — энг аввало, бир залворли ҳайрат қаршисида тўхтаб қолади. Бу шунчаки мармар ва пишиқ ғиштлардан тикланган иморат эмас, балки аждодлар руҳига чексиз эҳтиром, миллатнинг ўз асли ва ўзлигига қайтган онларининг меъморий тимсолидир.

Маънавий хазина

Биз “Ренессанс” сўзини тез-тез тилга оламиз. Уйғониш даври шунчаки қуруқ сўзлардан, минбарлардан янграйдиган баланд-парвоз нутқлардан иборат эмас. У — Имом Бухорийнинг тунлари чироқ ёғдусида кўз нурини тўкиб, ҳадис саралаш йўлида чеккан заҳмати, Аҳмад Фарғонийнинг юлдузлар сирини уққан теран нигоҳи, Абу Али ибн Синонинг бутун башарият хасталикларига даво излаган ақл-идрокидир.

Шу пайтгача улуғ алломаларимизнинг бой мероси дунёнинг турли бурчакларидаги кутубхоналарда, бегона қўлларда, бўлак-бўлак қўлёзмалар ҳолида сочилиб ётган эди. Марказнинг энг катта аҳамияти шундаки, у мазкур тарқоқ маънавий хазинани бағрида жамлади. Бу ерда тарих шунчаки томоша қилинмайди. У замонавий технологиялар ва ноёб экспозициялар орқали одамнинг юрагига сингдирилади, тирик вужуддек ҳис этилади.

Жаҳон бизни қайтадан кашф этмоқда

Бугун марказ жаҳон шарқшунослиги ва илм-фанининг муҳим муҳокама майдонига айланиб улгурди. Хориждан келган таниқли олимлар, Шарқ тарихи билимдонлари бу ердаги ноёб муҳитни ва тўпланган хазинани кўриб, ҳайратини яшира олмаяпти.

Франция миллий кутубхонаси ва Лувр музейи мутахассислари, жумладан, етакчи тадқиқотчи Франсоа Дерош ва таниқли санъатшунос



Янник Линц бу ердаги кенг кўламли ишларга юқори баҳо берди: “Мазкур марказ шунчаки музей эмас, балки ислом маданиятининг инсоният цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини бутун дунёга қайта кашф этиб бераётган тирик энциклопедиядир”.

Араб дунёси институти ва Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази директори, профессор Фарҳан Низами ҳамда ЮНЕСКО экспертлари эса қўлёзмаларни сақлаш ва рақамлаштириш борасидаги ишларни кўриб, Тошкент яна бир бор Марказий Осиёнинг маърифий ва илмий марказига айланганини алоҳида эътироф этмоқда. Бу эътирофлар замирида катта ҳақиқат бор — дунё бизни қайтадан кашф этмоқда.

Одоби ва илми билан қалбни забт этган авлод

Марказ залларини айланар экансиз, маҳобатли пештоқлар сизни ўша буюк даврларга етаклайди. Аммо бу ерда мени ҳайратга солган, тўғриси, ичимни ёритиб юборган бошқа бир жонли манзара бўлди. Бу — замон билан ҳамнафас, кўзи ёниб турган, келган меҳмонларга йўлбошчилик қилаётган ўзимизнинг қоракўз йигит-қизларимиздир.

Биз ана шундай умидли ёшлардан Самандар исмли йигит билан суҳбатлашиб қолдик. Бир эмас, бешта хорижий тилни сув қилиб



ичиб юборган бу йигитнинг билимига, айниқса, муомала маданияти ва одобига ҳавасингиз келади. У пештоқлардаги асрлар оша яшаб келаётган сирли ёзувларни, нақшлар қатига яширинган маъноларни шундай жонли тушунтириб бердики, беихтиёр тарих тирилгандек бўлди.

Энг таъсирлиси, Самандар Қуръон оятларини юракдан ҳис қилиб, ўта гўзал ва ширали овозда тиловат қилиб берди. Бу шунчаки гидлик эмас, балки ўзлигини англаган авлоднинг қалб садоси эди. Уларнинг самимий табассумида, ҳар бир меҳмонга кўрсатаётган эҳтиромида аждодлардан ўтган азалий ўзбекона меҳмондўстлик ва замонавий зиёлилик мужассамдир.

Можаролар гирдобидаги нажот қалъаси

Бугун атрофга, ер юзининг у ёки бу бурчагига назар ташланг: жаҳолат, кимўзарлик руҳидаги урушлар, динлараро ва миллатлараро лаҳзалик манфаатлар ортидан келиб чиқаётган қонли можаролар. Дунё гўё парокандалик чоҳига қараб кетаётгандек. Мана шундай таҳликали ва таранг вазиятда Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши шунчаки сиёсий ёки маданий қадам эмас. Бу — башариятга қарата айтилган: “Тўхтанг, нажот урушда эмас, нажот



жаҳолатда эмас, нажот илмда, одамийликда!” деган умумбашарий даъватдир.

Бир пайтлар — тарихнинг худди шундай мураккаб, низолар авж олган даврида буюк бобомиз Бурҳониддин Марғиноний бебаҳо “Ҳидоя” асарини битган эди. Бу асар шунчаки ҳуқуқий тўплам эмас, балки инсониятни ўзгалар қонини тўкишдан асраган, жамиятдаги турли можаролар ва зулмга чек қўйган адолат мезони, нажотнома бўлган.

Вақт эса шиддат билан ўтмоқда. Бугун замон ўзгарди, муаммолар шаклини ўзгартирди. Энди бизга фақат китоб саҳифаларидаги матн эмас, балки ўша “Ҳидоя”нинг тирик, амалий кўриниши — дунёга маърифат тарқатувчи яхлит марказ керак эди. Назаримда, бугун Ислом цивилизацияси маркази айнан ўша “Ҳидоя” асарининг замон талабларига мослашган, тошга ва илмга кўчган улуғвор тимсолига айлана олди. Бу масканда жаҳолатга қарши — илм, пароканда ликка қарши эса бирлик ва бағрикенглик қурол қилиб олинган. Бу, ўз навбатида, миллатимизнинг инсоният тинчлиги йўлида кўрсатаётган энг олийжаноб хизматидир.

Ларзага солувчи залвор

Мажмуанинг марказий залида сақланаётган Ҳазрати Усмон мусҳафи — муқаддас Қуръони каримнинг ноёб қўлёзмаси олдида тўхтаганингизда томирингизда оқиб турган қон бир лаҳза тўхтаб қолгандек бўлади. Бу — асрлар ҳамда дунёвий ва диний илмлар туташган муқаддас нуқта. Одам бу сирли масканда айланар экан, қалбида беихтиёр бир фахр, бир ғурур тўлқини кўтарилади: “Мен шундай улуғ донишмандлар, дунё цивилизациясига тамал тошини қўйган алломаларнинг ворисиман!”.

Ўша лаҳзада кўнглимдан бир гап ўтди: биз улуғ аждодларимиз билан фақат мақтаниб, ўтмиш соясига бекиниб юрадиган миллат эмасмиз. Агар Самандарга ўхшаган беш тилни биладиган, иймони бут, илми зиёда, одоби гўзал йигит-қизларимиз бўй кўрсатаётган экан, демак, ўша муқаддас занжир узилиб қолмаган. Буюк боболаримизнинг маънавий гени, илмга ташналиги бугунги авлоднинг қон-қонида яшамоқда. Демак, келажакдан кўнгил тўқ.

Бу шунчаки ўтмиш билан мақтаниш эмас. Бу, Президентимиз таъкидлаганидек, зиммамиздаги улкан маънавий масъулиятдир. Ушбу муҳташам кошона мозий сукутини бузиб, келажакка қарата баралла айтилган нидодир: “Бизнинг илдизимиз чуқур, дарахтимиз эса ҳали узоқ вақт гуллайверади!”.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 23:25

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.